



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 26 » aprel

№ 236

Toshkent sh.

### Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Мамлакатимизда сўнгти йилларда илгор хорижий тажриба асосида устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган жамиятларни трансформация қилиш, соҳага бозор муносабатлари тамойилларини жорий этиш, рақобат мухитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни кенг жалб қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган жамиятларга кузатув кенгашига аъзолар корпоратив бошқарув бўйича етарли даражада билим ва қўникмалар эга бўлмаган шахслар орасидан сайланайданлиги замонавий корпоратив бошқарув соҳасини ислоҳ қилишга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон, “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 юнидаги 460-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сон қарорига мувофиқ 2019 йил 1 июлидан бошлаб давлат органларининг раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, уларда корпоратив бошқарув малака аттестати мавжуд бўлганда давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши аъзолигига давлат улуши бўйича сайланишлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

корпоратив бошқарувчи малака аттестатини олиш талаб этиладиган шахслар доираси ҳамда корпоратив бошқарувчи малака аттестатини олиш учун қўйиладиган талаблар;

корпоратив бошқарувчи малака аттестатини олиш учун **максус ўқув курсларида ўқиш**, малака аттестатини олишга даъвогарлик қилаётган шахслар билан **сұхбат ўтказиш тартиби**;

корпоратив бошқарувчи малака **аттестатини бериш**, уни қайта **расмийлаштириш тартиби**;

корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга шахслар **реестрини юритиши тартиби**.

### 3. Белгилансинки:

корпоратив бошқарувчи малака аттестати Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги **Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби** (кейинги ўринларда – Олий мактаб) томонидан **корпоратив бошқарув соҳасида малака мавжудлигини тасдиқлаш учун берилади**;

корпоратив бошқарувчи малака аттестатини олишга замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда қисқа муддатли, шу жумладан, онлайн, **максус ўқув курсини тугатиб**, курс якуни бўйича синовдан **муваффақиятли ўтган тингловчилар** ҳамда Олий мактабнинг “Бизнесни бошқариш” магистратура мутахассислиги бўйича **корпоратив бошқарув фанини 86 балл** ва ундан **юқори даражаларда ўзлаштирган тингловчилари талабгор бўла олади**;

**максус ўқув дастури** Олий мактабнинг корпоратив бошқарув соҳасидаги малакали мутахассисларни, катта тажрибага эга бўлган бошқарувчиларни ҳамда ҳалқаро ҳамкорларни жалб қилган ҳолда доимий равища таомиллаштирилиб борилади ва якуний дастур курслар бошланишидан олдин **Олий мактаб Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади**;

**максус ўқув дастури** илғор хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятига кузатув кенгашлари ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини оширишни, корпоратив бошқарувнинг ҳалқаро тамойилларини назарда тутувчи **корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этишни қамраб олади**;

корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш максус дастур асосида ташкил этиладиган **сұхбат натижалари бўйича амалга оширилади**.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

**иқки ҳафта муддатда** корпоратив бошқарувчи малака аттестати олиш учун сұхбат комиссияси манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ушбу соҳадаги етук ва малакали мутахассислари ҳамда Олий мактабнинг профессор-ўқитувчиларидан иборат таркибда шакллантирилишини таъминласин;

сухбат комиссияси мажлисининг ўтказилиши санаси ва жойи ҳақидаги маълумотлар доимий равишда Олий мактабнинг веб-сайтида белгиланган муддатларда эълон қилиб боришини ҳамда корпоратив бошқарувчи малака атtestati олиш учун сухбат юқори савияда ўтказилишини ташкиллаштиурсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “26” апрелдаги 236-сон қарорига  
1-илова

**Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартибини белгилайди.

2. Корпоратив бошқарувчи малака аттестати (кейинги ўринларда – малака аттестати) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Иқтисодий тараққиёт вазирлиги) хузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб) томонидан корпоратив бошқарув соҳасида малака мавжудлигини тасдиқлаш учун берилади.

3. Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган жамиятларнинг кузатув кенгаши аъзолари корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлган шахслар орасидан сайланиши (тайинланиши) шарт, ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ходимлари, кузатув кенгашига мустақил аъзо сифатида илгари сурилган, тегишли тармоқда иш тажрибасига эга бўлган шахслар, шу жумладан, хорижий шахслар малака аттестатига эга бўлмаган ҳолда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг кузатув кенгаши аъзолари сифатида сайланиши мумкин.

**2-боб. Малака аттестатини олиш  
истагида бўлган номзодларни ўқитиши**

4. Номзодларнинг корпоратив бошқарув соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида Олий мактаб томонидан мазкур соҳадаги сўнгги замонавий билимлар мужассамлаштирилган қисқа муддатли (бир ҳафтадан кам бўлмаган муддатда), шу жумладан, онлайн, маҳсус ўкув дастури шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштириб борилади.

Мазкур дастур “Бизнесни бошқариш” магистратура мутахассисилиги бўйича корпоратив бошқарув фанида ҳам ўқитилади.

5. Номзодлар малака аттестатини олиш учун Олий мактаб томонидан ташкил қилинадиган маҳсус ўқув курсларида белгиланган муддатларда ўқийди ва дастур сўнггида синовдан ўтказилади. Олий мактабнинг “Бизнесни бошқариш” магистратура мутахассисилиги бўйича корпоратив бошқарув фанини 86 балл ва ундан юқори даражаларда ўзлаштирган тингловчилари бундан мустасно.

6. Малака аттестатини олиш учун Олий мактабнинг корпоратив бошқарувчи маҳсус дастури бўйича ўқув курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги давлат сертификатига эга бўлган шахслар ва Олий мактабнинг “Бизнесни бошқариш” магистратура мутахассисилиги бўйича корпоратив бошқарув фанини 86 балл ва ундан юқори даражаларда ўзлаштирган тингловчилари даъвогарлик қилиш ҳукуқига эга.

Бунда аризалар ушбу ўқув курслари ва магистратура тингловчилари томонидан мазкур фан ўқитилгандан кейин бир йил мобайнида берилиши мумкин.

Номзодлар ўқув курсининг якуни бўйича тест топшириб, умумий саволларнинг 55 фоизига жавоб берганда, тегишли тартибда давлат сертификатига эга бўлади. Мазкур давлат сертификати малака аттестати олишга даъвогарлик қилиш ҳукуқини беради. Номзод тестдан ўта олмаган тақдирда, якуний тестни яна икки марта такроран топширишга ҳақли.

### **3-боб. Малака аттестатини олишга номзодлар билан сұхбат ўтказиш**

7. Малака аттестатини бериш тартиби ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилик, тенглик ва шаффоффлик принципларига асосланган сұхбат натижалари асосида амалга оширилади.

Сұхбат Иқтисодий таракқиёт вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг ушбу соҳадаги етук мутахассислари ва Олий мактабнинг шу йўналишдаги профессор-ўқитувчиларидан иборат таркибдаги комиссия томонидан ўтказилади.

Комиссия камида 9 нафар аъзодан иборат бўлади. Комиссияга Олий мактаб директори ёки шу соҳадаги профессор-ўқитувчилардан бири раислик қиласи.

Комиссиянинг таркиби йилда бир марта Олий мактаб директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Комиссия корпоратив бошқарув кодексини мунтазам равища тақомиллаштириш бўйича ишчи гурух вазифасини ҳам бажаради.

Шунингдек, Комиссия устав фондида (устав капиталида) давлат улуси бўлган жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича маҳсус саволнома таркибини янгилаб боради.

8. Суҳбат саволлари рўйхати маҳсус дастур асосида Олий мактаб томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Олий мактаб веб-сайтига жойлаштирилади. Суҳбат саволлари рўйхати соҳага оид қонунчилик хужжатларидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб мунтазам тақомиллаштирилиб борилади.

9. Малака аттестатини олишга даъвогарлик қилаётган шахс (кейинги ўринларда – ариза берувчи) Олий мактабга паспорт ёки идентификация ID-карта нусхаси, ўкув курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги давлат сертификати, корпоратив бошқарув фани бўйича рейтинг баҳоларидан кўчирма, алоқа қилиш маълумотлари ва меҳнат фаолиятини юритиётган шахслар қўшимча равища иш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган аризани тақдим этади.

Ариза берувчи томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки нотўғри хужжатлар тақдим этилиши малака аттестатини бериш суҳбатига киритмаслик учун асос ҳисобланади. Бунда қайд қилинган хужжатлардан ташқари қўшимча маълумотларни талаб қилиш тақиқланади. Малака аттестатини олиш учун ариза топширишга тўлов талаб этилмайди.

10. Ариза берувчи бевосита ўзи келиб, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон тарзда мазкур Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда ариза бериши мумкин.

11. Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

12. Олий мактаб ариза олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ариза берувчини сухбатга киритиш ҳақида қарор қабул қиласи ёки мазкур Низомнинг 6-банди талабларига риоя этилмаган тақдирда, асосланган рад жавобини юборади.

13. Комиссия мажлислари аризалар сони 15 ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда ҳар жума куни ўтказилади.

14. Олий мактаб комиссия мажлиси ўтказилишидан камида 2 кун олдин мажлис ўтказиладиган сана ва жой ҳақидаги маълумотни ўз веб-сайтида эълон қиласи ва комиссия аъзоларини хабардор қиласи.

15. Комиссия йиғилиши аъзоларнинг камида 75 фоизи иштирок этганида ваколатли ҳисобланади.

16. Суҳбат ҳар бир номзод билан 20 дақиқа давомида якка тартибда номзоднинг:

корпоратив бошқарув мазмун-моҳияти, унинг томойиллари, корпоратив бошқарувни баҳолаш ва диагностика қилиш қобилияти;

кузатув кенгашининг ваколатлари, вазифалари, мажбуриятлари, қарорлар қабул қилишдаги ташаббускорлиги ва бу борадаги жаҳон тажрибаси, қонунчилик нормаларининг талабларини билишлиги даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

17. Комиссия аъзолари якка тартибдаги суҳбатга кирган ҳар бир номзодга 4 та савол беради. Бунда саволлар Олий мактабда ўтказилган ўқув курси дастури йўналишларидан келиб чиқиб берилади.

18. Суҳбат натижалари бўйича комиссиянинг ҳар бир аъзоси 0 балдан 100 баллгача баҳо қўяди. Кўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртacha арифметик балли аниқланади.

19. Суҳбат натижалари қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

берилган саволнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берувчи далилларга асосланган жавоб берилиши;

саволлар юзасидан чукур ва тизимли билим борлиги намоён этилиши;

корпоратив бошқарув тушунчаси ва атамаларидан эркин фойдалана олиш.

Номзод қўйилган саволларга асосли ва тўғри жавоб берадиган бўлса, ҳар бир тўғри жавобга 25 балл қўйилади. Суҳбат натижаси бўйича энг юқори баллнинг камида 55 фоизини тўплаган номзодлар суҳбатдан ўтган ҳисобланади.

20. Суҳбат давлат тилида ўтказилади. Суҳбат ариза берувчининг сўровига асосан Олий мактабнинг имкониятларидан келиб чиқиб бошқа тилларда ҳам ўтказилиши мумкин.

21. Комиссия қарорлари йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, овозлар teng бўлган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

22. Ўтказилган суҳбат натижалари бўйича комиссия томонидан малака атtestатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор баённома шаклида расмийлаштирилади.

Баённома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва раис томонидан тасдиқланади.

23. Номзод сұхбатга келмаганда ёки ундан үтмаганда комиссия кейинчалик ариза берувчини хабардор қылган ҳолда малака аттестатини беришни рад этиш тұғрисида қарор қабул қиласы.

24. Сұхбатдан үтмаган ёки сұхбатга келмаган шахс корпоратив бошқарувчи маңсус дастури бүйича үкув курсларини тамомлаган кундан бошлаб бир йил мобайнида, шунингдек “Бизнесни бошқариш” магистратура мутахассислиги бүйича икки йил (кундузги ва сиртқи) үқишни тамомлаб магистр дипломини олган кундан бошлаб бир йил мобайнида умумий тартибда комиссияга уч мартадан күп бўлмаган такрорий аризалар бериши мумкин.

25. Сұхбат натижалари бўйича номзодларнинг шикоятлари улар натижаси эълон қилинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида комиссия раисига тақдим этилади.

Шикоятни кўриб чиқадиган апелляция комиссияси Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Олий бизнес мактаби ва Давлат активларини бошқариш агентлиги вакилларидан (малака аттестатини берувчи маңсус комиссияда қатнашмаган ушбу соҳадаги ўқитувчи ва мутахассислар) иборат таркибда тузилади.

26. Шикоятни кўриб чиқиши муддати номзод томонидан шикоят берилган санадан бошлаб уч иш кунидан ошмаслиги лозим.

27. Сұхбатдан үтган шахс комиссиянинг малака аттестатини бериш тұғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг уч ой муддатда Олий мактабга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим тўланганлиги тұғрисидаги тўлов хужжатининг нусхасини тақдим этади.

Тўлов хужжатининг нусхаси тақдим этилгандан сўнг Олий мактаб уч кун муддатда малака аттестатини расмийлаштиради.

28. Ариза берувчи томонидан уч ой муддатда Олий мактабга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида тўлов тўланганлиги тұғрисидаги тўлов хужжатининг нусхаси тақдим этилмаганда, комиссия қарорининг ушбу ариза берувчига малака аттестатини бериш бўйича қисми ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

29. Малака аттестатининг амал қилиш муддати 5 йилни ташкил этади ҳамда узайтирилмайди.

30. Сертификат ва малака аттестати ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ҳамда QR кодга эга бўлади. Малака аттестати Олий мактабда ушбу Низомга З-иловада кўрсатилган шаклда тайёрланади ҳамда QR код билан тасдиқланади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

31. Малака аттестатини қайта расмийлаштириш унда кўрсатилган паспорт ёки идентификация ID-карта маълумотларининг ўзгариши муносабати билан амалга оширилади.

Бунинг учун малака аттестатининг эгаси Олий мактабга қуидагиларни тақдим этади:

малака аттестатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза;

қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган малака аттестатининг асл нусхаси;

паспорт ёки идентификация ID-карта маълумотларига киритилган ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

малака аттестатини олишда тўланадиган тўловнинг ярми тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

32. Малака аттестатини қайта расмийлаштириш мазкур Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида олдин берилган малака аттестатининг қолган амал қилиш муддатига янги малака аттестатини бериш орқали амалга оширилади.

33. Олий мактаб малака аттестатига эга бўлган шахслар реестрини юритади.

Малака аттестатига эга бўлган шахслар реестрида қуидагилар кўрсатилади:

малака аттестати берилган сана ва унинг рақами;

малака аттестатига эга бўлган шахсларнинг паспорти ёки идентификация ID-карта, алоқа қилиш маълумотлари ва иш жойи;

қайта расмийлаштирилган малака аттестатлари тўғрисидаги маълумотлар.

34. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Малака аттестатини олишга номзодлар	<p>1. Олий мактабнинг корпоратив бошқарувчи маҳсус дастури бўйича ўқув курсларида иштирок этади ёки Олий мактабнинг “Бизнесни бошқариш” магистратура мутахассисилиги бўйича корпоратив бошқарув фанини 86 балл ва ундан юқори даражаларда ўзлаштириши талаб этилади.</p> <p>2. Комиссияга сұхбатга кириш учун Олий мактабга тегишли маълумотлар кўрсатилган аризани тақдим этади.</p>	<p>1. Маҳсус ўқув курси бўйича 72 соат ёки магистратура йўналишида 2 йил ўқув дастурлари мобайнида</p> <p>2. Заруратга кўра</p>
2-босқич	Олий мактаб	Олий мактаб корпоратив бошқарувчи маҳсус дастури бўйича ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган ёки “Бизнесни бошқариш” магистратура мутахассисилиги бўйича корпоратив бошқарув фанини 86 балл ва ундан юқори даражаларда ўзлаштирган ариза берувчини сұхбатга киритиш ҳақида қарор қабул қиласи ёки мазкур талаблар бажарилмаган тақдирда, асосланган рад жавобини беради.	3 иш куни мобайнида
3-босқич	Комиссия*	<p>1. Ариза берувчилар сони ўн беш нафардан ортиқ бўлганда уларни малака аттестатини олишга сұхбатдан ўтказади ҳамда сұхбат натижалари бўйича талабгорни баҳолайди.</p> <p>2. Сұхбат натижалари бўйича малака аттестатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор эълон қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.</p>	<p>1. Ҳар ҳафта жума куни</p> <p>2. Сұхбат ўтказилган кунда</p>
4-босқич	Малака аттестатини олишга талабгорлар	Комиссиянинг сұхбат натижалари бўйича малака аттестатини бериш тўғрисида ижобий қарори эълон қилингандан сўнг Олий мактаб ҳисобварағига тўлов (базавий ҳисоблаш микдорининг 50 фоизи микдорида) ўтказади.	Сұхбат ўтказилган кунда
5-босқич	Олий мактаб	Малака аттестатини расмийлаштириб беради.	3 иш куни мобайнида

**Изоҳ.** Комиссия таркиби Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши вазирлиги, Давлат активларини бошқарниш агентлигининг ушбу соҳадаги етук мутахассислари ҳамда Олий мактабнинг мазкур йўналишидаги профессор-ўқитувчиларидан иборат бўлади.

Корпоратив бошқарувчи малака  
аттестатини бериш тартиби  
тұғрисидаги низомга  
2-илова

**Бизнес ва тадбиркорлик  
олий мактаби директорига**

дан

**АРИЗА**

Менга Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини олиш учун ташкил  
этиладиган сұхбатта киришимга рухсат берішингизни сүрайман.

(иш жойи ва лавозими)

Паспорт ёки идентификация ID-карта рақами:

Берилған жойи ва санаси:

Сертификат:

Алоқа қилиш учун телефон:

(имзо)

(сана)

Корпоратив бошқарувчи малака  
аттестатини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIY TARAQQIYOT  
VA KAMBAG'ALLIKNI  
QISQARTIRISH VAZIRLIGI  
HUZURIDAGI BIZNES  
VA TADBIRKORLIK  
OLIY MAKTABI



GRADUATE SCHOOL  
OF BUSINESS AND  
ENTREPRENEURSHIP UNDER  
THE MINISTRY OF ECONOMIC  
DEVELOPMENT AND POVERTY  
REDUCTION OF THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTAN

Tartib raqami \_\_\_\_\_ -son

### KORPORATIV BOSHQARUVCHINING MALAKA ATTESTATI

(malaka attestati berilgan shaxsning familiyasi, ismi, otasining ismi)

pasport yoki ID-karta ma'lumotlari:

20\_\_ yil «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ dan 20\_\_ yil «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ gacha amal qiladi.

QR-kod

(F.I.O.)

Вазирлар Маҳкамасиниги  
2021 йил “26” апрелдаги 236-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2017 йил 14 июлдаги 499-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 7-сон, 146-модда) илованинг 42-банди.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 8 ноябрдаги 898-сон қарорига илованинг 15-банди.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2018 йил 14 февралдаги 109-сон қарорига илованинг 9-банди.

